



## ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИ СОДДАЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГИ ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

Джурраев Алишер Жонимқулович

Магистратура ташкилий-тактик бошқарув  
факультети 5-гуруҳ тингловчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19906452>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-aprel 2026 yil  
Ma'qullandi: 28-aprel 2026 yil  
Nashr qilindi: 30-aprel 2026 yil

### KEYWORDS

*Шуни таъкидлаш керакки, жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш самарадорлиги содир этилган жиноятни ҳар томонлама таҳлил қилиш.*

### ABSTRACT

*Жиноятларни аниқлаш, уларни очиш ва тергов қилиш тергов органлари фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Жиноятларни тергов қилишни ташкил этиш суриштирувчи, терговчи томонидан амалга ошириладиган якка тартибдаги жараён дир. Унинг мазмунига жиноий қилмишнинг таснифланиши, исбот қилиш, тергов ҳаракатларини ўтказиш, шахсларга процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, етказилган зарарни аниқлаш ва уни қоплаш чоралари кўриш, жиноятнинг жиноятларни саб шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш, суриштирувчи, терговчининг меҳнат шароити ва бошқа шу кабилар таъсир кўрсатади.*

Жиноятларни аниқлаш, уларни очиш ва тергов қилиш тергов органлари фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Жиноятларни тергов қилишни ташкил этиш суриштирувчи, терговчи томонидан амалга ошириладиган якка тартибдаги жараён дир. Унинг мазмунига жиноий қилмишнинг таснифланиши, исбот қилиш, тергов ҳаракатларини ўтказиш, шахсларга процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, етказилган зарарни аниқлаш ва уни қоплаш чоралари кўриш, жиноятнинг жиноятларни саб шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш, суриштирувчи, терговчининг меҳнат шароити ва бошқа шу кабилар таъсир кўрсатади. Суриштирувчи, терговчи томонидан жиноят ишларини тергов қилишни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шуни таъкидлаш керакки, жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш самарадорлиги содир этилган жиноятни ҳар томонлама таҳлил қилиш, текшириш, гумон қилинувчи, айбланувчиларни шахсини аниқлаш, шахснинг айбини исботлаш механизмларини тўғри танлаш, тергов ҳаракатлари ўтказиш тактикасини тўғри қўлланилиши ва бошқалар каби омилларга боғлиқ. Бу элементларнинг барчаси жиноятларни тергов қилиш методологияси тушунчасига ва содир этилган жиноят турига қараб ўзига хос мазмунга эга. Жиноятларни тергов қилиш тushunchasi 1929-йилда профессор И.Н. Якимов томонидан киритилган ва жиноятларни тергов қилишнинг илмий усулларини

қўллашни ифодаловчи билвосита далилларга асосланган жиноятларни тергов қилишнинг умумий усулни ифодалаган. Жиноятларни тергов қилишда ЖПК талабларига риоя қилиш билан бирга исбот қилиш ва тергов ҳаракатларини ўтказишда техник воситалар ва тактик усулларни қўллаш иш самарадорлигини оширишга хизмат қилиш билан бирга суриштирувчи ва терговчининг ишини соддалаштирилишига хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасида жиноят ишларини тергов қилишни соддалаштириш, суд-тергов фаолиятини ислоҳ қилиш ва жиноят ишларини юритишни тезлаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг асосий мақсади — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш, тергов муддатларини қисқартириш ва ортиқча бюрократияни камайтиришдир.

Жиноят ишларини тергов қилишни ташкил қилишни учта алоҳида босқичга булиш лозим. Ҳар бир босқич – бу жиноят ишини тергов қилишнинг шундай босқичи, бунда суриштирувчи, терговчи жиноятларни тури, содир этиш усуллари билан бир қаторда унинг ўзига хос вазифалари ҳам ҳал этилади.

Биринчи босқич – бу жиноят ишини қўзғатиш босқичи ҳисобланади. Жиноят ишини қўзғатиш босқичи Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигининг дастлабки, муҳим босқичи бўлиб, унда жиноят содир этилганлиги ҳақидаги хабарлар текширилади ва жиноят кодекси билан тақиқланган қилмиш содир этилганлиги далиллар билан ўз тасдиғини топгандан сўнг суриштирувчи, терговчи томонидан жиноят иши қўзғатилади. Жиноят ишини қўзғатиш билан боғлиқ жараён қоида тариқасида дарҳол (ЖПК нормаларида белгиланган қоидаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда) амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Бунда жиноят белгилари аниқланганда, суриштирувчи, терговчи жиноят ишини қўзғатишга мажбурдир.

Иккинчи босқич – тергов ҳаракатларини ўтказиш ва шахсларга процессуал мажбурлов чоралари қўллаш жараёнидир.

Тергов ҳаракатлари — жиноят иши бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) нормаларига асосан ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар мажмуидир. Уларга сўроқ қилиш, тинтув, қўздан кечириш, юзлаштириш, экспертиза тайинлаш ва бошқалар кирилади. Жиноят ишларни тергов қилишда суриштирувчи, терговчи томонидан тергов ҳаракатларини юзага келган тепик тергов вазиятларини инобатга олган ҳолда ЖПКда белгиланган тергов ҳаракатлари қоидаларига суриштирувчи, терговчи тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтказиши шарт. Тергов ҳаракатларини ўтказишда суриштирувчи, терговчи қонунийлик, холислик ва шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш тамойилларига қатъий амал қилиниши лозим.

Процессуал мажбурлов чоралари — жиноят ишларини тергов қилишда ишга жалб қилинган гумон қилинувчи, айбланувчиларга нисбатан тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган бўлса, шунингдек уларнинг келгуси жинойий фаолиятининг олдини олиш учун зарур бўлса, суриштирувчи, терговчи, ЖПКда белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда мажбурлов чораларини қўллашдир. Бу чоралар процессуал тартибни таъминлаш ва жиноят иши бўйича далилларни тўплаш учун зарур ҳисобланади. Терговчи, суриштирувчи ишга жалб қилинган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан мажбурлов чорасини қўллашда асос ва процессуал тартибга тўлиқ риоя

қилиши шарт. Суриштирувчи, терговчи процессуал мажбурлов чорасини қўллашда гумон қилинувчи ёки айбланувчининг бошқа ҳуқуқларни бузилишига йўл қўймаслиги шарт. Процессуал мажбурлов чоралари жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутилган ҳолатларда қўлланилади.

Учинчи босқич – терговни яқунлаш босқичи. Суриштирувчи, терговчи жиноят ишларини тергов қилишда ишга жалб қилинган айбланувчини айбини суриштирув ва дастлабки терговда тўпланган, текширилган далилларга асосланиб жиноят ишини айблов далолатномаси, айблов хулосаси билан яқунлаш чораларини кўради.

Жиноят ишларини тергов қилишни соддалаштиришда юқоридаги учта босқичдан келиб чиқиб ЖПКда белгиланган иш юритиш шаклларини соддалаштиришни тақозо этади.

Жиноят ишларини тергов қилишни соддалаштириш тизимли тартиб асосида терговни олиб бориш билан бевосита боғлиқ. ЖПКда жиноят ишларини тергов қилишда тергов ҳаракатлари ва процессуал ҳаракатларни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар тартибга солинганлиги уларни ўтказишни соддалаштирида ЖПКдаги асос ва тартиб билан бевосита боғлиқ.

Тергов ҳаракатлари ўтказиш ва процессуал мажбурлов чораларини қўллашни соддалаштириш суриштирувчи ва терговчига жиноят ишларини тергов қилишда бир қанча қулайликлар яратади.

Ишни судга қадар юритишда тергов ҳаракатларини ўтказишни соддалаштириш иш ҳажми қисқартиришни кўзда тутилган.

Жиноят процессида жиноят ишоарини тергов қилишда иш юритишнинг куйидаги шакллари бўлиб, уларни 2 турга ажратиш олиш мумкин.

- 1) Оддий шаклдаги иш юритиш;
- 2) Соддалаштирилган иш юритиш.

Жиноят ишларини тергов қилишда соддалаштирилган иш юритиш шакллари ЖПК билан тартибга солинган.

1. Суриштирув шаклдаги иш юритув;
2. Амнистия актини қўллашга доир иш юритув;
3. Ярашувни қўллаш билан боғлиқ иш юритув;
4. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритув;
5. Хусусий айбловни қўллашни назарда тутувчи иш юритув;
6. Айбига иқрорлик ҳақида келишув бўйича иш юритувдан иборат.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. С.А.Исҳақов “Ҳидоя”нинг мусулмон ҳуқуқи манбаи тизимида тутган ўрни// Ҳуқуқ-Право-Law Тошкент -2003. №2-Б-56-57.
2. Абдумажидов Г.А. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Тошкент: Узбекистан 1974. С 109.
3. Муаллифлар жамоаси. Жиноят процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. 2-Боби. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг ривожланиш тарихи. ТДЮИ “Тезкор насх маркази” нашриёти. 2007 йил. 596-б.
4. Курбонов Ж.Т. Институт протокольной формы в советском уголовном процессе: Автореф. дисс. канд.юрид.наук. –Т., ТашГУ, 1991. –С.12.

5. Курбонов Ж.Т. Институт протокольной формы в советском уголовном процессе: Автореф. дисс. канд.юрид.наук. –Т., ТашГУ, 1991. –С.13.



INNOVATIVE  
ACADEMY